

Никоҳ хутбаси



09:15 / 19.02.2025 46145

Бизнинг одатимизда маҳр масаласи кўрилиб, келин ва куёвдан рози-ризолик сўраб бўлингандан кейинги домлаларимиз томонидан оҳанг билан ўқиладиган араб тилидаги матнларни шаръий истилоҳда «никоҳ хутбаси» дейлади. Бу хутбани ўқиш суннат амал бўлиб, унда бисмиллаҳ, Аллоҳга ҳамду сано, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва саломдан кейин никоҳ ҳақидаги бирорта ояти карима ва яна бир ҳадиси шариф, никоҳ ва оилага оид яхши гаплар ҳамда дуо бўлади.

Сўнгра ақди никоҳ маросимида иштирок этганлар яхши ниятлар билан янги оила, келин-куёв ҳақларига дуолар қилишади.

Яна такрорлаб айтамикки, никоҳдаги энг асосий маросим шудир. Бундан бошқа барча нарсалар айнан ушбу ақди никоҳга хизмат қилувчи, ёрдамчи омиллардир.

Ушбу ақди никоҳ, ундаги келишувлар, гувоҳлар, маҳр масаласи, ийжоб ва қабул, хутба ўқишлардан кейин келин ва куёв шаръий жиҳатдан эр-хотин бўладилар. Уларнинг бирга қолишлари, эр-хотинлик муомаласини қилишлари ҳалол бўлади.

Бундан бошқача иш мумкин эмас. Баъзи қавмлардаги қизни олиб қочиш, ўзаро борди-келди қилиб бўлиб, кейин никоҳ ўқитиш нотўғри иш, ҳаром.

Шунингдек, тўйни қилиб, бирга яшаб, бир-икки болали бўлгандан кейин никоҳ ўқитиш ҳам мутлақо жоиз бўлмаган иш. Бу каби ношаръий ишларнинг барчасидан ҳазар қилиш керак, шариатга хилоф иш қилиб, гуноҳкор бўлмаслик лозим.